



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 9 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 57 (13.904)

Баҳоси эркин нарҳда

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА САМАРАЛИ ЎЗЛАШТИРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЯНГИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель кунни жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилишини таҳлил қилиш, биринчи ярим йилликка доир вазибаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Кейинги йилларда вазирлар ва тармоқлар раҳбарлари худудларга юборилиб, жойларда янги корхоналар ва доимий иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кўплаб имтиёз ва энгилликлар жорий этилди.

Хорижий давлатлар ва халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари, жаҳоннинг етакчи ишбилармонлари билан музокаралар ўтказилиб, мамлакатимизга бир неча ўн миллиард доллар инвестиция жалб этиш бўйича 700 га яқин инвестиция битимлари имзоланди.

Бундай чора-тадбирлар натижаси ўсиш суръатларида кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йили асосий капиталга инвестициялар ҳажми 18 фоиздан зиёд ўсган. Бу, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқаришнинг 14,4 фоизга кўпайишини таъминлаган.

Мухим сифат ўзгариши шундаки, илгари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида худудий лойиҳалар деярли бўлмаган бўлса, жорий йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ярми худудлар ҳиссасига тўғри келди.

2019 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жами 3 минг 200 дан зиёд инвестиция лойиҳаси доирасида қарийб 14 миллиард доллар миқдоридagi капитал кўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилган. Шундан 4 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Йиғилишда мазкур инвестиция лойиҳалари тармоқлар ва худудлар кесимида таҳлил қилиниб, олиб борилаётган ишлар юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Муддатидан кечикаётган лойиҳаларнинг муаммолари жиҳатлари муҳокама қилинди.

Биринчи чорада белгиланган маблағлар ўзлаштирилган бўлса-да, айрим тармоқлар ва худудларда иш қониксарсиз экани кўрсатиб ўтилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзавтосаноат", "Ўзуртотехно-атхолдинг" акциядорлик жамиятлари, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси раҳбарлари, Қашқадарь, Самарқанд, Сурхондарь, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг инвестиция бўйича ўринбосарлари оғохланрилди.

Давлатимиз раҳбари инвестицияларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш учун янги назо-

рат тизимини жорий этишни таклиф қилди. Унга кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўрт рўйхатга бўлиниб, алоҳида ва изчил назорат қилиб борилади.

Биринчи рўйхатга жорий йилда 3,6 миллиард доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши мўлжалланган 27 та энг муҳим стратегик лойиҳа киритилди ва у Президентнинг доимий назоратида бўлади.

Иккинчи рўйхат шу йили 1,3 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштириладиган 65 та йирик лойиҳадан иборат бўлиб, уни Бош вазир назорат қилиб боради.

Бош вазир ўринбосарлари назорат қиладиган учинчи рўйхатга 407 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган 65 та лойиҳа киритилди.

Тўртинчи рўйхатдаги лойиҳаларни худудларга бириктирилган марказий идоралар раҳбарлари ва ҳокимлар назорат қиладди.

Инвестициявий лойиҳалар ижроси доимий равишда муҳокама қилиниб, муаммолар тезкорлик билан ҳал этиб борилади.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш борасида имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганига эътибор қаратиб, тармоқлар ва худудларга оид янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ вазирликлари билан биргаликда нефть-газ, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, машина-созлик, электр техникаси соҳаларида, шунингдек, худудларда мавжуд салоҳият ва ресурслардан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳар бўйича қўшимча инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш вазибаси қўйилди.

Шакллантирилган ушбу таклифлар асосида мамлакатимизнинг элчионалари билан биргаликда юртимиз ва хорижда бизнес-форумлар ташкил қилиш, маҳаллий инвесторларнинг мақсадли тақдимотларини ўтказиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон билан ишлаш истиғини билдирган хорижий инвесторлар билан мустақам алоқа ўрнатиб, лойиҳанинг бошидан охиригача уларга ёрдам бериш, оддий қилиб айтганда, уларни "қўлидан етаклаб" натижани таъминлаш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Тошкент шаҳрига сармоя жалб этишни кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари учун ер

участкалари ва давлат мулки объектлари бериш борасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди. Пойтахтимиз тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича барчага ўрнатилган бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Худудлар ва тармоқларда лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, юзага келган муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал этиш бўйича электрон ахборот тизимини қисқа муддатда ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги ишлар таҳлил қилинар экан, ижтимоий соҳалардаги лойиҳалар аҳоли турмуши учун муҳимлиги, улар ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши кераклиги таъкидланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 4 та, Сув ҳўжалиги вазирлигида 4 та, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида 3 та лойиҳа бўйича ишлар кечикаётгани кўрсатиб ўтилди.

Бундай лойиҳаларни мувофиқлаштиришни такомиллаштириш учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси каби халқаро молия институтлари билан бевосита ишлайдиган вазирлик ва идоралар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида олий даражадаги таърифлар якунига кўра тасдиқланган "йўл хариталари" ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Маълумки, улар доирасида 700 га яқин инвестиция битимлари имзоланган. Ҳисоб палатаси томонидан келишувларнинг маълумотлар базаси яратилган, уларнинг ижроси бўйича мониторинг ва назорат ўрнатилган.


Президентимиз "йўл хариталари"даги чора-тадбирларни тез ва изчил амалга ошириш, бу борада ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир давлат билан ҳамкорлик йўналишларининг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳукуматлараро комиссиялар таркибини қайта кўриб чиқиш вазибаси қўйилди.

Кейинги йилдан бошлаб инвестиция дастурлари уч йиллик қилиб шакллантирилиши, барча тармоқлар ва худудлар бунга тайёргарлиқни бугундан бошлаши зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича муҳим вазибалар белгилаб берилди.

ЎЗА



## АДОЛАТ – ДАВЛАТНИНГ АСОСИ ВА ҲУҚМДОРЛАР ШИОРИДИР

**Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур шахси, унинг бой маънавий мероси, фаолияти, дунё цивилизациясидаги ўрни ва аҳамияти наинки мамлакатимиз, балки бутун дунёда олимлар томонидан ҳамон катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Беназир давлат ва жамоат арбоби, моҳир саркарда таваллудининг 683 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўзининг яққол ифодасини топмоқда.**

Пойтахтимиздаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбон 9 апрель – Соҳибқирон бобомиз таваллуд тоилан кунини эрта тонгда ноқ ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерда сенаторлар, депутатлар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият намояндалари, ўқитувчилар, маънавий тарғиботчилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, мамлакатимиздаги фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари тўпландилар. Шу эринг ўзида Темур ва теурийлар тарихи, уларнинг бебаҳо меросига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Теурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Фаёзиев, Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Виолан де Вильмор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг тарихий ҳужжатлар тадқиқоти бўлими бошлиғи, етакчи илмий ходим Санжар Фуломов ва бошқалар Соҳибқирон Амир Темур ва теурийларнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрни улкан эканини таъкидлади.

Халқимизнинг бой ўтмиши, буюк бунёдкорлик салоҳиятини эркин кўзгуси бўлган Теурийлар тарихи давлат музейи бугунги кунда наинки хайморларимиз, балки хорижий меҳмонлар катта ҳурмат ва эҳтиром билан қадим қўйданга табаррук масканга айланган. Соҳибқирон бобомиз ва унинг авлодлари тарихига оид манбалар мазкур музей, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, кўплаб илмий-маърифий марказлар, олий ўқув даргоҳлари, ижодий-маърифий ташкилотлар томонидан мукаммал ўрганилмоқда. Тарихчи, манбашунос олимларимиз олиб бораётган тадқиқотлар тизимли тарзда нашр этилиб, халқимизга тақдим этилмоқда.

Президентимизнинг мамлакат бошқарувида адолатга таяниш, фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, заифларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, жамиятда меҳр-мурувват, саховат, оқибат, баргир-кенглик голяларини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг аждодларимизга муносиб ва баркамол шахс этиб тарбиялашга оид кўплаб ташаббуслари Соҳибқирон бобомизнинг умри давомида амал қилган, ўзининг ҳаёт шioriға айланган таъимийларга, унинг эзгу даъ-

ватларига ҳамоҳангдир. Ҳозирноми билан аталувчи хиёбон 9 апрель – Соҳибқирон бобомиз таваллуд тоилан кунини эрта тонгда ноқ ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерда сенаторлар, депутатлар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият намояндалари, ўқитувчилар, маънавий тарғиботчилари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, мамлакатимиздаги фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари тўпландилар. Шу эринг ўзида Темур ва теурийлар тарихи, уларнинг бебаҳо меросига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Францияда атоқли олим Люсьен Керен томонидан теурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганишга оид ассоциация ташкил этилганга ўттиз йил тўлди. Темур ва теурийлар даври Францияда катта қизиқиш билан ўрганилаётганидан гоёт мамнуман.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо бугунги кунда Соҳибқирон улугълан голялар юртимизда кечаяётган ислохотларга уйғун эканини таъкидлаб, ўзининг "Соҳибқирон ёғдуси" асаридан парча ўқиб берди. Филология фанлари доктори, таржимон Баҳоли Эрматовнинг Фарбий Европа халқлари адабиёти тарихида Амир Темур ҳақида яратилган асарларни таҳлил қилиш ва уларда Соҳибқирон сиймосининг талқин этилишига оид маърузаси тадбир иштирокида катта қизиқиш уйғотди.

Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари Теуур авлоди эканини исботлаб, ўз маҳоратларини намойиш этди.

Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу кун Теурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Амир Темур ва теурийлар давлатида халқ дипломатиясининг аҳамияти" мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Бобокалонимиз таваллуд айёмига бағишланган тадбирлар, учрашув ва анжуманлар, давра суҳбатлари юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

ЎЗА

## ҚАЛЪЛАРГА КЎЧГАН ГЎЗАЛЛИК

**Термизда бўлиб ўтаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали хорижий иштирокчиларининг бир гуруҳи Тошкент шаҳридаги диққатга сазовор масканлар билан танишмоқда.**

Ана шундай экскурсиялардан бири пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, мазкур музейда археология, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат намуналари кенг ўрин олган. Музей экспозициясидаги Ўзбекистоннинг антик ва ўрта аср санъатига оид меъморий безаклар, кашталар, гиламлар, матолар, заргарлик санъати намуналари ва бошқалар хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Рассомлик санъатига оид экспозиция миллий график тасвирий санъат

ривожининг бир асрдан ортиқ тарихга эга шаклланиши ҳамда ривожланишининг машаққатли ва бетакорор йўлини кўрсатиб бергани билан аҳамият-лидир. Бу ерда П.Беньков, Р.Зоммер, С.Юдин, Л.Бурз, А.Николаев, А.Волков, Н.Карахан, У.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Ч.Аҳмаров, Р.Чориев, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов ва бошқа устоз мусаввирларнинг энг сара асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Музейдаги қамрови ва тарихий қиммати гоёт бетакорор бўлган улкан экспозиция юртдошларимиз, айниқса, хорижий меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

– Юртингизнинг бахшичилик санъати билан батафсил танишидик, – дей-

ди мексикалик санъатшунос Магда Валдивиана. – Айни пайтда ушбу музейда таассуротларимизнинг оддий сўзлар билан ифодалаш гоёт мушкул. Дунёнинг кўплаб музейларида бўлганмиз. Бироқ ушбу музей экспонатлари гоёт бой ва бетакорорлиги, жуда дид билан тартиб берилгани, ҳар бир ашёнинг тарихи хусусида атрофчила маълумот келтирилгани билан бизни ҳайратда қолдирди.

– Ўзбекистон бўйлаб бу саёҳатни ўзбек миллий фольклор, тасвирий ва амалий санъати, маданияти билан кенг қамровли танишув деб аташ мумкин, – дейди чехиялик санъатшунос Сара Эл Маграби. – Ўзбек санъатидек ноқид мерос дунёнинг ҳеч қайси чеккасида

учрамайди. Фестиваль доирасидаги ранг-баранг тадбирлар, қизикариб сажатлар давомида шунга ишонч ҳосил қилдимки, юртингизда санъат ва маданият ривожини Ўзбекистон давлат раҳбарининг доимий эътиборида экан. Бу эса диққатга сазовор жиҳатдир.

– Ўзбекистонга бир марта келган меҳмон уни бутун умрга яхши кўриб қолади, – дейди ЎЗА муҳбирига македониялик Благика Илик. – Бахшичилик санъатида ижрочининг дарди бор. Бу дард асрлар қаридан келади назаримда. Ушбу санъат тарих, ижрочилик, достончилик, сўз санъати, мусиқани ўзида муҳассам этгани билан барчани лол қолдирди. Шу кунларда табаррук Ўзбекистон жуда кўркем қиёфа касб этган. Асосийси, бу гўзаллик шу заминда истиқомат қилаётган одамлар қалбига кўчганига ишонч ҳосил қилдик.

Н.УСМОНОВА

нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айлангани алоҳида таъкидланди.

• Андижоннинг Боғишамол дам олиш маскани худудида ҳайвонот боғи иш бошлади. Ҳайвонот боғига 100 га яқин турдаги ёввойи ҳайвонлар, сув жонзотлари олиб келинган. Қўнғир айик, Африканин шер ва маймуналари, Жанубий Америкадан келтирилган илон ва тимсоҳлар, Марказий Осиё бўйрилари, шунингдек, чиябўри, тулки, кийик, туяқуш, бургут, лочин, қирғий сингари ёввойи ҳайвон ва қушлар, Европа оққушлари, кўплаб турдаги балик, сув жонзотлари, ҳатто кичкинагина акулалари ҳам томоша қилиш мумкин.

• Гулистон шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 1-сонли ички ишлар бўлими "Шодлик" маҳалласида янгидан барпо этилган икки қаватли бинода иш бошлади. Бинони янгидан барпо этиш учун 1 миллиард 380 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Бу ерда шах-

сий таркиб учун дам олиш хоналари, маънавий хонаси, кутубхона мавжуд. Иш кабинетлари замонавий мебеллар, компьютер ва бошқа зарур буюмлар билан тўлиқ жиҳозланган.

## ЖАҲОНДА

• АҚШнинг NASA космик тадқиқотлар агентлиги томонидан амалга оширилган илмий ўрганишлар натижасида илк бор Ой сайёрасида сувнинг мавжудлиги аниқланди. Ушбу сувдан ёқилги ишлаб чиқариш ва ҳароратни назорат қилиш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

• Блумберг агентлиги жаҳон мамлакатларининг аҳоли саломатлиги бўйича рейтингини эълон қилди. Бунда умр давомийлиги, санитар ва экологик вазият, аҳолининг тиббий ёрдам, тоза сув билан таъминланганлиги, чекувчи ва чекмайдиганлар сони каби омиллар ҳисобга олинган.



BAKHSHI INTERNATIONAL ART FESTIVAL 2019



• Термизда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарь вилояти бўлимида муқаддатли ҳарбий хизматни ўташ учун келган ёш аскарларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар ва муқаддатли ҳарбий хизматта қақирилган аскарларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда юртимиз тинчлиги, хонадонларимиз осойишталигини таъминлаш ёшларимиз учун

Май – фуқаролар йиғини раислигига сайловлар ойи

САЙЛОВНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Тошкент тўқимачилик ва ёнгил саноат институтида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туманлар комиссиялари аъзолари, 508 та маҳаллада ташкил этилган ишчи гуруҳ раҳбарлари учун “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловининг ташкилий-хуқуқий асослари” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент шаҳар комиссияси раиси Т.Матиебаев, Олий Мажлиси Сенати кенгаши комиссияси аъзоси А.Бобоев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Шукуров, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Маҳмуджоев ўз маърузалари билан иштирок этди. Семинарни ўтказишдан асосий мақсад жорий йил май ойида ўтказилиши кутилаётган маҳалла

фуқаролар йиғини раиси сайловини шаффоф, демократик тартиб-тамоиллар асосида ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятини маҳаллалар миқёсида тушунтириш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали аҳолининг сайлов жараёнида қонун талабларига қатъий амал қилишини таъминлашдан иборат.

Ўтқир УЛАШЕВ, Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгаши Ташкилий-услубий шўба етакчи мутахассиси

Фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат мuddати 2019 йил май ойида туғатиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган сайловда пойтахтимизнинг Яшнобод туманида 58 нафар фуқаролар йиғини раиси сайланиши белгиланган.

МУНОСИБЛАР САЙЛАНАДИ

Айни пайтда туманда сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгашида сайловга оид маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича туман комиссияси тузилди.

Бўлажак сайлов қонунга киритилган янги ўзгаришлар, янги меъёр ва янги тартиб-қоидалар асосида ташкил этилмоқда. Шунга мувофиқ, бу йил маҳалла раислари яширин овоз бериш йўли билан уч йил мuddатга сайланади. Фуқаролар йиғини раиси сайлаб олинган, бир ой мuddатда маслаҳатчиларни сайлайди.

Шу кунларда Яшнобод туманида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши тавсиялари асосида фуқаролар йиғинлари раислигига номзодларни саралаш мақсадида номзодлар билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

– “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича жойларда тизимли равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Равшан Тўраев. – Хар бир маҳалла раиси (оқсоқоли)га 4-5 тадан номзод кўрсатилган. Суҳбатларда хар бир номзод ўзининг иш дастури ва истиқболдаги режаларини баён этди. Мухими, бу жараёнга худудимиз аҳолиси ушшоқлик билан ёндашмоқда.

Мазкур жараёнларга масъул мутахассислар томонидан фуқаролар йиғинлари бўйича сайлов ёшидаги фуқаролар рўйхати шакллантирилди. Жойларга сайловни ўтказиш учун махсус овоз бериш кабиналари, кути ва шу каби жиҳозлар етказиб берилмоқда.

Абдулазиз МУСАЕВ

Кейинги йилларда мамлакатимизни жадал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий жиҳатдан ривожлантириш, фуқароларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг бунёдкорлик, меҳнатсеварлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу каби чораларнинг кўрилишидан аввал, жойларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий аҳволи ҳар томонлама ўрганилиб, чуқур таҳлиллар қилинган.

ИНСОН ҲАЁТИ – ОЛИЙ НЕЪМАТ

Бугун эса шиддат билан ўзгараётган замонада юртимиз раванглиги ҳамда инсон манфаатларини тўлақонли таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқмоқдалар. Айниқса, халқ турмуш фаровонлигини оширишда, уларнинг муаммоларини аниқлаш учун аҳоли билан ўтказиладиган бевосита мулоқотларнинг янги, энг муҳими самарали шаклини жорий этишда аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар бўйича манзилли Дастурлар ва бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, жойларда ишчи самарали ва тўғри ташкил этиш, биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг турмуш тарзи сифатини ошириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан этиб белгиланди. Бу ишларнинг барчаси, инсон ва унинг манфаатлари учун, одамларнинг ҳаётдан мамнун бўлиб яшашлари учун муносиб шароит яратишга қаратилган.

Маълумки инсонга ҳаёт бир мартаба берилади. Уни қанчалик мазмунли ва мақсадли ўтказиш энг аввало, хар бир инсоннинг ўзига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши алоҳида белгилаб қўйилган. Бирок, айрим одамлар орасида ҳаёт қадрига етмай, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг учраши долзарб муаммолар қаторида турганлиги кишини чуқур ташвишга солиб келмоқда.

Бу каби долзарб муаммоларга бағишланган ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ва унинг олдини олиш масалалари идораларо мувофиқлаштирувчи йиғилишда адролфича муҳокама қилиниб, масъул идораларнинг бу борадаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Йиғилишда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишда биринчи гада вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва оғир ижтимоий шароитдаги шахсларга алоҳида эътибор қаратиш, “ҳавф остидаги” шахслар рўйхатини аниқ шакллантириш, улар билан нафақат психологик суҳбатлар, балки, иш билан таъминлаш, моддий, тиббий ёрдам кўрсатиш, маънавий кўмак бериш масалаларини ҳал этиш асосий вазифа этиб белгиланди. Айниқса, хар бир идора алоҳида эмас, ҳамкорликда фаолият олиб бориш, ўзаро маълумот алмашинувини тўғри йўлга қўйиш, инсон тақдирига бефарқликка йўл қўймаслик, ажримларнинг олдини олиш, бу борада энг нобъ институт – маҳалланинг ролини янада кучайтиришга муҳим эътибор қаратилди. Йиғилиш якунига кўра, тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2018 йилнинг 27 июль кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд

муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу масалаларга эътиборнинг юқори даражада кўтарилиши бежиз эмас. Чунки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчасининг тўб замири инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги, юртдошларимизнинг фаровон турмуш кечиришлари учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилаётгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараён бугун дунёнинг барча ривожланган давлатлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бирок, шунга қарамастан, ҳаёт неъматларидан баҳра олиш ўрнига ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг учраётганлиги ташвишдир.

Тўғри, ҳаёт доимо бирдек кечмайди. Инсон бошига турли хил мусибат ва муаммолар тушиши табиий ҳол. Бу мусибатларга сабр қилиш ва уни енгиб ўтиш – иродаси мустаҳкам инсонга хос ишдир. Бирок синов келса, осмону фалакни бошига кўтариб аюханнос солиб, дод-фарёд қилиш, ҳаётдан норози бўлиб, ўз жонига қасд қилишни барча ташвишлардан қутилишнинг ягона йўли деб билиш – ироданинг, имоннинг заифлигидандир. Ваҳоланки, бу юзага келган муаммони ҳал этишнинг асло ечими эмас. Ақсинча, киши ўз жонига қасд қилиши оқибатида қариндошлари ва ота-оналарини ҳам оғир қулфатга солиб қўйишди. Бунинг оқибатида болалар етим қолмоқда, оилалар пароканда бўлмоқда. Қолаверса, инсон бундай хатти-ҳаракати билан ақинларини доғда қолдириб кетади, уларни халқ орасида нуқудлай ҳолатга тушишларига сабабчи бўлади. Лекин, бунини тўла англаб етмасдан, фақатгина ўзини йўллаб, гоҳида эса, қўлаётган ҳаракатининг моҳиятини чуқур англаб етмаган ҳолда, ҳали ҳаётнинг гўзаллигидан баҳра олмаган ёшлар, хотин-қизлар ўларнинг жонларига қасд қилиб, ҳаёт нурини бевақт ўчиришга уринмоқдалар.

Ўз жонига қасд қилиш барча динларда бирдек қораланиши билан жамият қонунларига кўра ҳам энг муҳими жиноят саналади.

Кўпгина ишсизлик, оиладаги нотинчлик, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ҳолатининг ўзини ўзи ўлдиретишга сабаб бўлаётган асосий омиллардан дейиш мумкин. Туманда ушбу масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилиб, туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таъмин масалаларидан тортиб, маҳалла, хотин-қизлар, “Оила” маркази, ФХДБ, бандликка кўмаклашиш маркази ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Лекин, шунга қарамастан, кейинги пайтларда арзиманган ва ўринсиз сабабларни рўқач қилиб, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари учраб турибди. Масалан ўз жонига қасд қилганлардан бири 1976 йилда туғилган Илхом Камилов (исм-фамилиялар ўзгаририлган) бўлиб, маст ҳолатда ўз жонига қасд қилган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган текширувда И.Камилов муқаддам уч марта таъбир сўзлабди, яшаш манзилига қайтиб келганидан сўнг маҳалла фаоллари, профилактика инспекторининг доимий кузатувида бўлган, у билан суҳбатлар олиб борилган, иш тақлиф этилган. Бирок, ўзининг

ҳаётий қарашидан қайтмасдан, охириги мартаба озодликдан маҳрум қилиш муассасасидан озодликка чиққанидан сўнг оила қуришни, аниқ бир ишга жойлашмаганлиги, ёлланма тарзда ишлаб топган даромадига спиртли ичимликларга ружу қўйиб, яшаб келиб, муайян мақсадга эга бўлмасдан ўз жонига қасд қилган.

Гоҳида бўлса-да, учраб тураётган бу каби ҳолатларнинг энг оғирлиги жиҳатларидан бири – улар ичида вояга етмаганларнинг ҳам борлигидир.

Туманда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар ўртасида аниқланган ҳавф остидаги шахслар рўйхати шакллантирилди, улар билан мактаб, маҳалла ва оиласида мунтазам мутахассислар жалб этилган ҳолда суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқна тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан яқна тартибда иш олиб бориш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, “Оила” марказининг бир қатор вазифаларининг белгиланиши ҳам бежизга эмас. Бу борада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, туман хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” илмий-амалий маркази томонидан белгиланган дастур асосида тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир шароитли, ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал қилиш, ажримларнинг олдини олиш, уларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни билиш мақсадида психологларнинг жалб этиш, ҳолидан тез-тез хабар олиш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. Муаммоларни жойида бартараф этиш, кенг қамровли муаммоларни эса, йўл харитасига кириштириш ва ҳал этиш юзасидан аниқ мақсадли вазифалар белгилаб берилмоқда. Шунингдек, “Хавф остидаги гуруҳ”да бўлган шахсларнинг электрон базаси шакллантирилган, 39 та маҳаллада отиноий, имом-хатиб, психологлар билан ҳамкорликда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, фуқароларнинг дарду ташвишлари, уларни қийнаб келаётган муаммолари аниқланиб, ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Бу дунёнинг ўзи омонат. Утаётган хар лаҳза ганимат. Инсон ўзига берилган барча неъматларга доимо шукр қилиб, ҳаётда дуч келадиган хар қандай синов, қийинчилик, муваффақиятсизлик, мусибатларга сабр қилиши, эртанги кунга қатъий ишонч, аниқ мақсад билан яшаши лозим.

Юртимизда ҳамма шарт-шароитлар тўла-тўқис муҳайё қилинган, тинч ва фаровон жамиятга яшамоқдамиз. Бундай жамиятда яшашнинг ўзи айна саодатдир. Шундай экан, унинг қадрига етишимиз лозим.

Тоҳиржон ХУСАНОВ, Сергели тумани прокурори

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ ТАРИФЛАРИГА МАХСУС УСТАМА ҲАҚ МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 291-модда) 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 48-сон, 923-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги “Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфратузилмасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5-сонли (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳридаги истеъмолчилар учун: ичимлик суви таъминоти хизматлари учун Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 12 январдаги 69-сонли қарори билан белгиланган махсус 100 сўм/м<sup>3</sup> миқдоридagi устама ҳақ 2019 йилдан амал қилишини ўзгариштириш; канализация хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдори – 100 сўм/м<sup>3</sup> этиб белгилансин.

3. Ичимлик суви ва канализация таъминоти хизматлари тарифлари бўйича белгиланган махсус устама ҳақ мақсадида тушум ҳисобиниб, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базаси киритилмаслиги, шунингдек, ичимлик ва оқова суви таъминоти ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботида ақс эътирилмалиги инобатга олинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Б.Раҳманкулов), “Сувсоз” давлат унитар корхонаси (Т.Мирҳидоятлов):

ичимлик суви ва канализация таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ маблағларини жамлаш учун “Сувсоз” давлат унитар корхонасига хизмат кўрсатувчи бандаги очилган махсус ҳисоб рақамига жамланган кунлик тушум бўйича махсус устама ҳақ Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 40 фоизи йўналтирилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Раҳманкулов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артиқходжаев

2019 йил 2 апрель

ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик ва тараққиёт комиссиясининг 52-сессияси бўлиб ўтди.

Мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг директор ўринбосари Дилбар Алижоновна ҳам иштирок этиб нутқ сўзлади.

Уз нутқида Ўзбекистонда оилавий муаммоларга давлат сиваси тарафидан эътибор қаратилаётгани, бу масалада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш амалга оширилиб келинаётгани, натижада мамлакатда оилавий муаммолар камайиб бораётганини баён қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳақида ҳам сўзлаб берди.

Анжуманда сессия иштирокчиларини 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси таркибига киритилган режалар ва уларнинг жадал суръатларда амалга оширилиши жараёни билан таништирди.

Д.Алижоновна ўз сўзида мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси тасдиқланганлигини, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини яхшилаш, тумна ирсиш касалликларини эрта аниқлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганлигини рақамлар ва фактлар асосида шарҳлаб ўтди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ҚИСКА САТРАПДА

● Бектемир ва Мирзо Улугбек туманларида зўравонликдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари очилди.

● Пойтахтимиздаги “Миллий” стадионда Чилонзор тумани ёшлари ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида “Ёшлар бирлиги – юрт тинчлиги” шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик спорт фестивали ўтказилди.

● Амир Темуэр таваллудининг 683 йиллигига бағишлаб Олмazor туманидаги барча умумтаълим мактабларида ёш педагоглар томонидан очiq дарслар ташкил қилинди.

● Миробод туманидаги “Чинор” маҳалла фуқаролар йиғинида “Нотинч оилаларни аҳилликка чорлаймиз” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

9 апрель – Амир Темури таваллуди куни

Маълумки, тарихий манбаларда Соҳибқирон Амир Темури ва темурийларнинг бадиий адабиётга, сўз санъати ҳамда бошқа санъат турларига қаратган эътиборлари, яратган мактаблари, ташкил қилган кутубхоналари, улар ҳимматларида ёзилган асарлар ёки уларга атаб битилган китоблар ва уларнинг қалам аҳли учун ажратган маблағлари ҳамда шеър айтишга бўлган иқтидорлари, фикрлари алоҳида ҳурмат билан битилган ва темурийлар ренессанси, деб эътироф қилинган.

Уларнинг бу каби олмос қирраларини ёритиб, кўрсатиб берувчи тарихий маълумот, шарҳ ва лавҳаларни таъкир китобларида битиб қолдириш мумтоз адабиётимиз тарихида ўзгача усул бўлиб, бу усулни биринчилардан бўлиб Алишер Навоий бошлаб берган. Улуғ шоирнинг бу янгича усули унинг "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасида яққол кўрилади. У тазкирасининг мажмуа характеридаги еттинчи маж- лисини Амир Темури ҳамда йигирма бир нафар темурийга, саккизинчи мажлисини эса мусоҳиби, дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг бой адабий, илмий меросига бағишлаган. Еттинчи мажлисда у темурийларнинг ҳар бирини алоҳида фикраларда тилга олар экан, ижодларидан намуналар келти- ргани, уларнинг бадиий маҳоратлари ҳусусида ўзининг адабий-танқидий фикрлари, тавсия- ларини ҳам билдиргани, намуна қилиб кўрсатиб ўтгани ёки баъзи бирларнинг ижодида катта умид боғлагани билан боғлиқ тарихий, адабий ҳодисалар адабиётшунос- лик фанида маълум ва машҳурдир.

"РАВЗАТ УС-САЛОТИН"ДА АМИР ТЕМУРИ ВА ТЕМУРИЙЛАР ЗИКРИ

Уларнинг бу каби олмос қирраларини ёритиб, кўрсатиб берувчи тарихий маълумот, шарҳ ва лавҳаларни таъкир китобларида битиб қолдириш мумтоз адабиётимиз тарихида ўзгача усул бўлиб, бу усулни биринчилардан бўлиб Алишер Навоий бошлаб берган. Улуғ шоирнинг бу янгича усули унинг "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасида яққол кўрилади. У тазкирасининг мажмуа характеридаги еттинчи маж- лисини Амир Темури ҳамда йигирма бир нафар темурийга, саккизинчи мажлисини эса мусоҳиби, дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг бой адабий, илмий меросига бағишлаган. Еттинчи мажлисда у темурийларнинг ҳар бирини алоҳида фикраларда тилга олар экан, ижодларидан намуналар келти- ргани, уларнинг бадиий маҳоратлари ҳусусида ўзининг адабий-танқидий фикрлари, тавсия- ларини ҳам билдиргани, намуна қилиб кўрсатиб ўтгани ёки баъзи бирларнинг ижодида катта умид боғлагани билан боғлиқ тарихий, адабий ҳодисалар адабиётшунос- лик фанида маълум ва машҳурдир.

Уларнинг бу каби олмос қирраларини ёритиб, кўрсатиб берувчи тарихий маълумот, шарҳ ва лавҳаларни таъкир китобларида битиб қолдириш мумтоз адабиётимиз тарихида ўзгача усул бўлиб, бу усулни биринчилардан бўлиб Алишер Навоий бошлаб берган. Улуғ шоирнинг бу янгича усули унинг "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасида яққол кўрилади. У тазкирасининг мажмуа характеридаги еттинчи маж- лисини Амир Темури ҳамда йигирма бир нафар темурийга, саккизинчи мажлисини эса мусоҳиби, дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг бой адабий, илмий меросига бағишлаган. Еттинчи мажлисда у темурийларнинг ҳар бирини алоҳида фикраларда тилга олар экан, ижодларидан намуналар келти- ргани, уларнинг бадиий маҳоратлари ҳусусида ўзининг адабий-танқидий фикрлари, тавсия- ларини ҳам билдиргани, намуна қилиб кўрсатиб ўтгани ёки баъзи бирларнинг ижодида катта умид боғлагани билан боғлиқ тарихий, адабий ҳодисалар адабиётшунос- лик фанида маълум ва машҳурдир.

Уларнинг бу каби олмос қирраларини ёритиб, кўрсатиб берувчи тарихий маълумот, шарҳ ва лавҳаларни таъкир китобларида битиб қолдириш мумтоз адабиётимиз тарихида ўзгача усул бўлиб, бу усулни биринчилардан бўлиб Алишер Навоий бошлаб берган. Улуғ шоирнинг бу янгича усули унинг "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасида яққол кўрилади. У тазкирасининг мажмуа характеридаги еттинчи маж- лисини Амир Темури ҳамда йигирма бир нафар темурийга, саккизинчи мажлисини эса мусоҳиби, дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг бой адабий, илмий меросига бағишлаган. Еттинчи мажлисда у темурийларнинг ҳар бирини алоҳида фикраларда тилга олар экан, ижодларидан намуналар келти- ргани, уларнинг бадиий маҳоратлари ҳусусида ўзининг адабий-танқидий фикрлари, тавсия- ларини ҳам билдиргани, намуна қилиб кўрсатиб ўтгани ёки баъзи бирларнинг ижодида катта умид боғлагани билан боғлиқ тарихий, адабий ҳодисалар адабиётшунос- лик фанида маълум ва машҳурдир.

Уларнинг бу каби олмос қирраларини ёритиб, кўрсатиб берувчи тарихий маълумот, шарҳ ва лавҳаларни таъкир китобларида битиб қолдириш мумтоз адабиётимиз тарихида ўзгача усул бўлиб, бу усулни биринчилардан бўлиб Алишер Навоий бошлаб берган. Улуғ шоирнинг бу янгича усули унинг "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасида яққол кўрилади. У тазкирасининг мажмуа характеридаги еттинчи маж- лисини Амир Темури ҳамда йигирма бир нафар темурийга, саккизинчи мажлисини эса мусоҳиби, дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг бой адабий, илмий меросига бағишлаган. Еттинчи мажлисда у темурийларнинг ҳар бирини алоҳида фикраларда тилга олар экан, ижодларидан намуналар келти- ргани, уларнинг бадиий маҳоратлари ҳусусида ўзининг адабий-танқидий фикрлари, тавсия- ларини ҳам билдиргани, намуна қилиб кўрсатиб ўтгани ёки баъзи бирларнинг ижодида катта умид боғлагани билан боғлиқ тарихий, адабий ҳодисалар адабиётшунос- лик фанида маълум ва машҳурдир.



ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ МАРКАЗ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама мукамал, комил ва етуқ инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 26 октябр куни Юнусобод туманига ташрифлари чоғида ёш авлодни ҳар томонлама мукамал, комил ва етуқ инсон қилиб тарбиялаш борасида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Юнус- обод ёшлари учун энг замонавий, қулай, барча шарт-шароит- ларга эга бўлган "Ёшлар маркази" қурилиши бошланди. Куни кеча тумanning 6-мавзесида қурилаётган "Ёшлар маркази"га тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, маҳалла фуқаролар йиғини, туман нурунийлари, Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ва туман ёшлари, фаоллари иштирок этди. "Ёшлар маркази"ни қуриши "The Coworking group" МЧЖ томонидан инвестор Лазиз Халиков бошчилигида амалга оши- рилмоқда. "Ёшлар маркази"ни қуриш ишлари шу йилнинг ав- густ ойи охирида якунланиши ва 1 сентябрь куни фойдала- нишга топширилиши режалаштирилган.

Туман ёшларини билим ва кўникмаларини ошириш, соғлом муҳитни барқарорлаштириш, ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида қурилаётган марказда 20 дан зиёд касб-ҳунарга йўналтирувчи тўғрага ва кутубхоналар ташкил этилади. Марказ 350 нафар ёшни қамраб олиши кўзда тутил- ган.

Тадбир сўнггида ёшлар билан савол-жавоб ташкил қилин- ди. (Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯНИНГ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК

Бугунги кунда Ўзбекистонда мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини бутунжаҳон сайёҳлик маркази сифатида шакллантиришга қодир бўлган, туризм индустриясида юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ўтган йили Самарқанд шаҳрида "Ипак йўли" туризм халқаро уни- верситети очилганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Ривожланган дав- латларнинг туризм соҳасидаги етакчи таълим муассасалари та- жрибасини оммалаштириш мақсади- да Туризмни ривожлантириш дав- лат қўмитаси томонидан хорижий таълим муассасалари билан ҳам- корлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича фаол ишлар олиб борил- моқда.

Туризмни ривожлантириш дав- лат қўмитаси делегацияси Герма- нияга ташрифи доғамидда "Ипак йўли" туризм халқаро универси- тети ва Дрезден амалий фанлар университети ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш мароси- ми бўлиб ўтди. Мазкур келишув доирасида туризм соҳасида қўшма

лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ўзаро амалий тажриба алмашиш ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик алоқа- ларини ривожлантириш кўзда ту- тилган.

Бундан ташқари, Дрезден амалий фанлар университети талаба- лари билан ўтказилган учрашувда қўмитанинг бошқарма бошлиғи У.Саидов Ўзбекистонда туризм со- ҳасида бўлаётган ўзгаришлар, Ев- ропа мамлакатлари фуқаролари учун виза режими янада соддалаш- тирилиши ва бекор қилиниши, шунингдек, Ўзбекистоннинг бой маданияти ва тарихи ҳақида ҳамда ёшлар туризмни ривожлантириш, инвестиция киритиш учун яратил- ган имкониятлар ҳақида маълумот берди.

— Германияда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, қўшма тадқиқотлар-

да иштирок этиш ҳамда талабалар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш масалаларида германияликлар "Ипак йўли" туризм халқаро уни- верситети билан ҳамкорлик қилишига тайёр, — дейди Дрезден амалий фанлар университети рек- тори Кристоф Шольц.

Учрашув якунида Дрезден амалий фанлар университети талаба- лари Ўзбекистонда туризмнинг янги йўналишлари, жумладан, тоғ, экстремал ва ёшлар туризми бўйи- ча катта қизиқиш билдиришди. Шунингдек, Ўзбекистонга сайёҳ- ларни жалб қилиш ва туризмни ри- вожлантириш бўйича ўзларининг амалий тақлифларини илгари су- ришди. Шу билан бирга, талаба- лар таътил давомида мамлакат- мизга ташриф буюриш истаги бор- лигини таъкидлашди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

ОДАМ САВДОСИГА АРАЛАШИБ ҚОЛМАН

Азиза Саидова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Тошкент вилоятида туғилган. 25 ёшда.

Мухаддам ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан жиноят содир этганлиги учун унга 1 йил муд- датга озодликдан чеклаш жазоси тайинланган бўлса-да, жазонинг 6 ойини ўтамасдан тақрор жиноятга қўл ўрди.

У 2017 йил сентябрь ойининг охирида бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб, фоҳишалик билан шугулланишга шароит яратиб берди. 21 ноябрь куни Севара исмли қизнинг "Фиштқўприк" чегара постидан Қозоғистон Рес- публикасига ўтказиб, Олма-ота орқали Туркияга жўнатиб юборган. Азиза бу каби ҳолатларни бир неча бор содир қилганлиги ачинарли ҳол. Маса- лан, Мохира, Олеся каби аёлларни Туркияга жўнатган. У Ирода исмли навбатдаги мижозини Қозоғистонга жўнатаётган вақтида ИИБ ходим- лари томонидан қўлга олинган.

Суд мажлисида жабрланувчи сифатида қуйи- дагиларни маълум қилди. Севара интернет тар- моғи орқали Азиза билан танишиб, пул топшиш илжигида Туркияга бориб, турли ишлар билан шугулланганини, у ёқда қийналиб, соғлиги ёмон- лашгач яхши инсонлар кўмағида юртига қайт- ганлигини, А.Саидовага қонуний чора қўриб, соғлигини тиклаш учун пул ундириб беришни сўради. Бошқа жабрланувчилар ҳам Севара син- гари кўрсатма берган.

Азиза оила қургач фарзандли бўлмагани учун ажрашган. Оилавий қийинчилик сабаб Туркияга кетган. У ёқда Ширина исмли аёл билан таниш- ган. Турли ишлари бажарган. Туркиядан қайтга- нидан сўғи одам савдоси билан шугуллана бошла- ган. Таассуфки, у танишган қизларнинг аксарияти ўз ихтиёри билан фоҳишалikka рози бўлган. Ма- салан Севара дастлаб бу тақлифга кўнмаган, кейин ўйлаб қўриб ўз ихтиёри билан Туркияга жуна- ган. Туркияда қизларни Ширина кутиб олиб, иш- лашга мажбур қилган.

Суд ушбу ишни қўриб чиқиб, дастлабки тер- гов органи томонидан хатоллик йўл қўйган мод- даларни чиқариб ташлаб, А.Саидовага ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми "д.у.з" бандларида кўрса- тилган жиноятларни содир қилишда айбли деб узил-кесил 3 йилу 1 ой озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Жазони умумий тартибли ко- лонияда ўташ белгиланиди.

Ўйлашиб қоласан киши аёл деган номга доғ тушириб, жиноят қўчасига қиршига нима маж- бур қилди экан? Жиноят эртами кечми фош бўла- ди ва жазоланиши муқаррарлигини ёдда тутиш керак.

Мусо ЮСУПОВ, жиноят ишлари бўйича Олмасор тумани суди судьяси

МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИДА НИМА ГАП?

Мамлакатимиз мактабларида ўқувчилар яхши таълим-тарбия олиши учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Энди таълим сифати ҳам шароитга мос бўлиши, ўқувчилар эса янада кунт билан билим олишлари керак бўлади.

Негадир баъзи одамларда журналистман десангиз, ҳадиксираш кайфияти пайдо бўлади. Бунга балки айрим касбшўларимиз сабабчидир. Хар хил асоссиз нарсаларни ёзиб, уни матбуотда ва ижтимоий тармоқларда эълон қилаётган журналистлар ва эркин блогерлар са- бабли қилишларда журналистларга нисбатан ноҳуш кай- фиёт пайдо бўлаётгандир. Тағин билимадим. Аммо ҳақиқий журналист мактаб ҳақида сўз кетар экан, пашшадан фил ясамайди, бор нарсани йўқ деб бўрттирмайди. Хуллас, ҳозир гап бу ҳақида эмас.

Чилонзор туманидаги мактаблар фаолиятини ўрганишда бир-икки муаммо ва тўсиқларга дуч келдик. Негадир ту- манда халқ таълими бўлимининг руҳсати бўлмаса, мух- бирларни қабул қилмаслик тартиби жорий этилган экан. Ҳолбуки, бундай ҳол ОАВ ҳақидаги қонунчиликка, жур- налистнинг ахборот олиш эркинлиги қондаларига зид.

Қўшни Учтепа туманида эса бизни мамнуният билан кутиб олишди. Бир нечта мактаб кутубхоналарини кўздан кечирдик.

Тумандаги 194-мактаб яқиндагина таъмирдан чиққан экан. Мактаб директори Дилноза Пиримқуллованинг ай- тишича, халигача мактабга четдан бирор киши китоб совға қилмабди. Аммо мактаб маъмурияти буни кутиб ўтирмасдан, ўзлари кутубхонани бойитишга киришибди. Ўзи ва кўл остидагилар мактабга китоблар ҳадя қилаёт- ган экан. Ҳатто кеча бошланғич синф ўқитувчиси мактаб кутубхонасига 100 дан ортиқ янги бадиий китоб совға қилибди. Директорнинг ушбу гапларидан сўнг иккинчи қаваддаги кутубхонага чиқдик. Шинам, ёруғ ўқув хонаси ва махсус китоблар сақланмаган кичик зал див билан безатилган, хонаки гуллар эса кишига эстетик кайфият улашди. Жавонлардаги 3 мингга яқин китоб қатор қилиб, тартиб билан териб қўйилган. Китоб муаллифларнинг суратлари эса кутубхона савлатига савлат бахш этиб ту- рибди. Кутубхона аъзоларининг рўйхатини кўриб, юқори синф ўқувчилари фаол эмасдек туюлди. Кутубхона ходи- ми буни қуйидагича изоҳлади:

4-синфдан 8-синфгача бўлган ўқувчилар кутубхона- мизнинг фаол аъзолари ҳисобланади, — дейди Дилдора Шокирова. — Юқори синфлар негадир кам қиради. Улар олий ўқув юртига кириш имтиҳонларига тайёрларлик кўришди, қўшимча дарсларга боришди. Дарсликларни ва махсус қўлланмаларни ўқишдан ортмайди. Уларни ки- тоб мутулаа қилмайди, деб айбонлаймиз. Чунки аби- туриентлик шундай даврни, бир максатда эришмаганича бошқа нарсага чалғишга вақт топилмайди. Аммо қўшим- ча машғулловлардан ортиб бадиий асар мутулаа қилишга имкон топилмади. Асосан дарсликларда тўлиқ бўлмаган қисса ёки романларнинг сўраб келишди. Имкон қадар топиб беришга ҳаракат қиламиз.

Мактабда дарслар рус тилида олиб борилгани учун айрим китобхон ўқувчилар ўқиган китоблар-рўйхатида Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурдан тор- тиб Лев Николаевич Толстой, Пушкин, Лермонтовгача, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Уткир Хошимовдан тор- тиб Сергей Есенингача қайд қилинган. Бу мактаб ўқув- чиларининг рус ва ўзбек тилидаги бадиий асарларни қийналмасдан мутулаа қилишини билдиради. Қувонар- лиси, ушбу мактабдаги 1089 нафар ўқувчининг хар бири кутубхонадан китоб олса ҳам китоблар етати.

Кутубхонада Дилдора опа билан суҳбатлашиб турган эдик, биринчи синфда ўқийдиган бир болақай хонага кириб, махсус расмли ва матнли қилиб нашир этилган болалар энциклопедиясини сўради. Ўқув залида эса бо- лалар дарс тайёрлаб ўтирган эди.

Шу туманга қарашли 287-мактаб кутубхонаси ҳам 194- мактаб кутубхонасидан қолишмади. Мактаб директори Назоқат Пармонова шахсан ўзи кутубхонани янада кен- гаитириш, керакли адабиётлар билан бойитиш бўйича турли тадбирларни ўтказмоқда экан. 1400 нафар ўқувчи таҳсил оладиган мактаб кутубхонасида 2000 дан ошқ китоб бор. Фаол китобхон ўқувчиларнинг азозлик гу- воҳномасини сўраганимизда кутубхоначи 20 дан ортиқ гувоҳномани келтириб берди. Кутубхонага турли тан- ловларда голиб бўлган ва кўпал бадиий асарлар муту- лаа қилган Чарос опа раҳбарлик қилар экан. Ўқувчилар- нинг айтишича, она хар бир китобни қабул қилиб олаёт- ганида китоб ичидан савол берад, қонқарили жавоб қай- тармаган ўқувчига янги китоб бермас экан. Демак, бу ёқда "ҳўжа кўрсинга" китоб олиб, ўқимасдан икки-уч кундан кейин қайтариб бериш қолталари кузатишмайди.

Яқинда мактаб кутубхона фондига янада қўяйти- риш мақсадида мактаб ўқитувчилари ва битирувчи ўқув- чилар иштирокида "Мактабимга мендан совға" номли ак- ция уюштирдик, — дейди мактаб ахборот-ресурс мар- кази ходими Чарос Қодирова. — Ҳали тадбиримиз якун- май туриб 200 га яқин китоб йиғилди. Акция якунига қадар 1000 га яқин китоб йиғилиши кўзда тутилган.

4-, 5- ва 6-синфлар ўқувчилари турли мавзудаги ки- тобларни ўқимоқда. Танланган мавзуларни бироз тартиб- сиз. Бироқ кутубхонада кераксиз ёки зарарли китоб бўлмайди. 7-, 8-, 9- ва юқори синф ўқувчиларида эса китобхонлик даражаси анча шакланганини сезиш қийин эмас. Улар аллақачон яхши адиб, шоирларни саралаб олган ва ҳафтада иккитагача бадиий асар олиб, ўқишга имкон топмоқда. Бу бир ойда 6-7 та бадиий асарни ўқиб тугатади, дегани. Бир йилда 80 га яқин бадиий адабиёт ўқиган бола эса кам бўлмайди. Март ойи бўлгани учун- ми, Абдулла Орипов ва Зулфиннинг шеърли китоблари кўп ўқилгани ҳам қўзимиз тушди. Муҳими, болалар китоб ўқишяпти.

Икки мактабдан кўнглимиз тўлиб, яна шу тумандаги 203-мактабга йўл олдик. Таълим маскани томон қираве- ришда мактаб ҳудудидаги қийос гуллаган дархатлар ва очилган гуллар кайфиятинингизни кўтарди. 1614 нафар ўқувчига эга мактабда Ўткир Талабоев директор экан. Афсус, биз мактаб кутубхонаси фаолияти билан таниша олмадик. Директорнинг айтишича, кутубхона ходими хо- нани қўлқаб, Вазирик томонидан ўтказилганда маж- лисга келган эмиш. Қанақа мажлис, ким ўлказаяпти, қаер- да, деб сўраб ўтирмадик. Аммо савол туғилди: 1614 нафар ўқувчиси бор мактабга битта кутубхоначи камлик қилмасмикан?

Мамлакатимизда қарийб 10 мингта мактаб бор. Шу муассасалардан камиди ўн нафар бола китобхон бўлса, юртимизда миллионга китобхон бола пайдо бўлади. Бу рақам оздир, балки, Аммо имкониятлар зигири очилве- рар экан, мактаблардаги ўқувчилар дунёқарашини, илмга бўлган қизиқишини ошаверади.

Дилобар МАМАТОВА, ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси магистратура бўлими декани, доцент Бекзод Хамидович Ярмақамедовага падари бузрукчови

ХАМИД отанинг вафоти муносабати билан чихор тазияа изхор этади.



### ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Хайр саховат, инсонпарварлик ва мурувват халқимизга хос фазилат. Айниқса, кўнгли ўқсик инсонларга меҳр кўрсатиш, қалбларини қувончга тўлдиришга катта эътибор қаратилади.

Тошкент шаҳаридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шiori остидаги тадбир ҳам мана шундай мақсадда ташкил этилди.

Тадбирни коллеж директори очиб, юртимизда ҳар бир ўғил-қизга меҳр-эътибор кўрсатилаётгани ҳақида айтиб ўтди. Дастлаб ўшбу таълим муассасасида таълим олувчи ёшларга кўтаринки кайфият улаштиш мақсадида махсус бадиий дастур намойиш этилди. Ўқувчилар томонидан она юрт, бахтли болалик ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи шеърлар айтілди.

Тадбирда ҳамкор ташкилотлар ҳам иштирок этиб, ўз совғаларини топширдилар. "Ватанпарвар" ташкилотининг "М.Улуғбек Ўқув СТК", "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" ҳамда "Миробод Ўқув СТК" унитар корхоналари ҳам ўзларининг ташкилот тарихоти билан иштирок этиб, коллежнинг энг фаол ўқувчиларини қимматбахо совғалар билан тақдирладилар.

Шу билан бирга тадбирда "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" спортчилари томонидан ўқувчилар спортнинг техник ва амалий турлари таништирилиб, хонамодель, авиамодель, лайлак ва варрак бўйича кўргазмалари чиқишлар кўрсатилди. Тадбир сўнгида эса коллеж стадионида варраклар самога учирилиши ўғил-қизларга бир олам қувонч бахш этди.

Зарина РУСТАМОВА

### Хабарлар

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАРИ

Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти Сардорлар Кенгаши фаолиятини жонлантириш, Кенгаши аъзоларининг ўзаро дўстлигини, тажриба алмашувини таъминлаш, уларнинг сийёсий соҳада ҳам фаоллигини ошириш, ижодкорлиги ва интеллектуал салоҳиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Энг намунали мактаб Сардорлар Кенгаши" танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

— Ёшларимизнинг дунёқараши кенглиги, мақсадга бўлган интилиши анча юқори, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари, "Камалак" болалар ташкилоти раиси О.Раҳмонбердиев. — "Бугун сардор, эртага раҳбар" деб бежиз айтишмаган. Танлов давомида ёшларимизнинг келажакда кўплаб ютуқларга эришишлари мумкинлиги намоён бўлди. Келажакка дадил қадам ташлаётган бу ёшларимиз танловнинг Республика босқичида юқори ўринларни эгаллашларига умид билдирамаиз.

Иштирокчиларнинг "Бу бизнинг фаолият...", "Бизнинг имкониятларимиз!" ва "Интеллектуал ринг" шартлари бўйича маънавий ва ин-

теллектуал салоҳияти, Сардорлар Кенгаши тизимида амалга оширилган ишлари, ёшларни ташкилот атрофида бирлаштириш мақсадида яратилган янги лойиҳалари юзасидан ўзаро беллашди. Ҳакамлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза инobatта олиниб Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринни Чилонзор туманидаги 195-сонли умумтаълим мактаби кўлга киритди.

Пойтахтимизда ўтказилган "Ўқувчи-қизларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини оширишда хотин-қизлар кўмиталарининг бошланғич ташкилотлари ва "Қизларжон" клубининг фаолиятини жонлантириш масалалари" мавзусидаги давра суҳбатиде "Зулфия"

номидаги давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Унда "Зулфия" номидаги давлат мукофоти совриндорлари Дилноза Асадова, Нигора Умарова, Дилафруз Истамовалар иштирок этиб, ютуқларга эришиш сирлари билан ўртоқлашди.

Тадбирда "Қизларжон" клубини жонлантириш масалалари кўриб чиқилди. Ўқувчи-қизлар ўртасида учраб турадиган турли масалаларга ечим топиш, тадбиркорликка қизиқтириш, сийёсий партияларда фаоллигини ошириш, севган касбининг мухтассиси бўлиш, психологик кўмаклар бериш каби масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зиёда РАСУЛОВА

### Соғлом бўлай десангиз

## ҚУРУҚ МЕВАЛАРНИНГ ФойДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қуруқ мевада янги узилган меванинг барча фойдали хусусиятлари сақланиб қолгани сабабли йил давомида витаминларга бой мевалардан тановул қилиш имкони бўлади.

**Анжир қоқиси** А, С ва В гуруҳидаги дармондорилар ва магний, темир, натрий, фосфор, калий, кальций каби моддаларга жуда бой. Танада калий етишмовчилиги натижасида юзага келадиган асаб ва юрак хасталикларига жуда фойдали. Темир моддасига бойлиги сабаб гемоглобин етишмовчилигида катта ёрдам беради. Уни мунтазам истеъмол қилиш ошқозон-ичак касаллиги ва қон таркибидаги холестерин миқдори ортиб кетишининг олдини олади. Анжир қоқисини сутда қайнатиб ичиш йўтал, кўкйўтал ва бронхитга жуда фойдали. Танада ҳавфли ўсимталарнинг ривожланишига тўқсинлик кўрсатади.

У қалқонсимон без фаолиятини нормаллаштиришда, организмдаги паразитларни чиқаришда кўл келади. Анжир қоқи саратон ҳужайралари ривожланишининг олдини олади ва терини витаминлар билан таъминлайди.

**Туршак** ўзида А, В, С дармондорилари ва калий, магний, темир, фосфор, глюкоза, фруктоза, сахарозани сақлайди. Туршак ичакни тозалаш, унинг фаолиятини яхшилайдди. Анемияда ҳам жуда фойдали саналиб, уни мунтазам истеъмол қилиш билан қонни тозалаш мумкин. Туршак юрак-қон томир хасталикларига самарали фойда беради. Кўриш қобилиятини, соч ва тери ҳолатини яхшилайдди.

**Майиз** таркибида темир, калий, хлор, магний, фосфор каби моддалар мавжуд. У уйқунни яхшилайдди. Таркибидаги В гуруҳида мансуб витаминлар асаб тизимини мухта-

камлайди. Темир моддаси етишмовчилигида бекиёс самара кўрсатади. Калий ва магний эса юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларига яхши натижа беради. Касалликдан сўнг қувватга кириш ва иммунитетни мустаҳкамлашда унга тенг келадигани йўқ.

**Олхўри қоқиси** ўзида калий, кальций, темир, йод, марганец, С, Е, РР ва В гуруҳи витаминларини сақлайди. Ортика елни ҳайдашда самараси катта. У овқат ҳазмини яхшилайдди. Юрак, буйрак ва жигар хасталигидан азият чекадиган беморларга ҳам фойдали. Танадаги моддалар алмашувини фаоллаштиради. Бошқа қуритилган мевалар каби олхўри қоқиси ҳам иммунитетни мустаҳкамлайди.

**Хурмо** А, В1, В2, В6, С витаминлари ва темир, фосфор, калий, натрий, рух, фтор ва кобальтга жуда бой. Танадаги ишанлик қобилиятини ошириб, шамоллашда ҳам жуда фойдали. Кўп миқдорда витаминлар сақлаши сабаб қишда фаол меҳнат қилиш ва шодон юришимизга кўмаклашади. Қуритилган хурмо қувват манбаи саналади. Таркибида пектин моддаси борлиги боис ичак фаолиятини меъёрлаштиради. Асаб ва юрак-қон томир тизимини ҳам яхшилайдди. У қонда гемоглобин миқдорини оширади.

**Салбий таъсирлари**  
Барча қуритилган мевалар қувватга бойлиги боис эҳтиёткорлик билан истеъмол қилиш лозим. Қуритилган меваларнинг ширинлигини инobatта олиб, қандли диабет касалига чалинган кишиларга тавсия этилмайди. Қоқилар ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси хасталиги кўзалган беморларга ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга, бу меваларни аллергия ҳолатларида ҳам тавсия этилмайди.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Абдуллаев Азиз Абдувалиевич номига Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри ИИБ томонидан 27.12.2012 йилда берилган АА 0585389 серия рақамли фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли топиб олган шахслардан мукофот эвазига қайтаришларини сўрайди. Мурожаат учун телефон: +99890 970-66-51.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-Чарх Камолон Зарқанд 2-тор кўчаси, 8-уй эгаси Аҳмедов Махмуд номига туман БТИСИ томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

### Тошкент оқшоми

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълоқлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр курсаткичи — 563


Ҳақми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2142 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Буюкхонаси, Корхона манзили: Босма Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 17.00



## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Шошилганда кўп хато қиласан.

Гап уқмасга панд юқмас.

Ўзига ишонмагани хохлаган кўйга солса бўлади.

Ўзига қанчалик юқори баҳо беришига қараб ҳам кишининг нодонлик даражасини билса бўлади.

Яхши ибтидо ишнинг ярмига тенг.

Бировнинг ёрдами муваққат.

Жозибасиз гўзаллик совуқдир.

Давлат осмондан ҳам тушиши мумкин, лекин шухратга меҳнат билан эришилади.

Шубҳа-гумоннинг илдизи кўркувда.

Товламачининг тавбаси янги товламачилигидир.

Бу дунёда бир куни келиб фош бўлмаган сир йўқ.

Ўзининг фойдасига қолганда ҳеч ким бировнинг маслаҳатига муҳтож эмас.

Кўнгли ҳеч қачон тўлмайди.

Энг оддий ҳақиқатга етиш учун ҳам баъзида узоқ йўл босишга тўғри келади.

Кўнгли юмшоқ киши учун ҳаёт қаттиқ.

Инсоннинг энг эзгу орузи ҳеч қачон амалга ошмаган.

Доно сўзини зое қилмайди.

Бировдан айб излашнинг ўзи айб.

Ёмон кайфият билан яхши иш қилиб бўлмайди.

Гап ўтади, иш қолади.

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан М.Улуғбек тумани, Феруза мавзаси, А.Қодиров кўчаси, 15-уй, 60-хонадон учун Мирзаев Шавкат Хусанович номига берилган 10:09:03:0103:50580001:033 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан М.Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 107-уй, 33-хонадон учун Мирзаев Шавкат Хусанович номига берилган 10:09:03:0103:50580001:033 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яшнобод тумани, Висол 5-пр., 15-уй учун Саидмамодов Алимжон Акрамович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 17-19 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 10 апрел куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ёмғир ёғади, кундузи қисқа мuddатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Фардан секундида 5-10, кучайган ҳолда 12-17

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 10 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, шфюсланиш даражаси паст бўлади.